O‘ZBEKISTON
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
BUNYODKORI
№7 (760) 2024 йил 30 январь, сешанба
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАЛАРИДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 январь куни уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ва экология соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Аҳолига муносиб шароитлар яратиш, ҳаёт сифатини таъминлаш мақсадида бу соҳаларда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили ҳудудларда мингдан ортиқ инфратузилма иншооти, 2 мингга яқин кўп қаватли уй-жой барпо этилди. Автомобиль йўллари, сув ва иссиқлик тармоқлари қурилди. Транспорт хизмати учун янги автобус ва самолётлар олиб келинди.

Шу билан бирга, қурилиш соҳасига замонавий стандартларни жорий қилиш ва сифатини таъминлаш борасида камчиликлар кўп. Ичимлик суви таннархи ва тармоқлардаги йўқотишлар камаймаган. Фуқаро авиациясида маҳаллий рейслар талабга нисбатан 2-3 баробар кам. Темир йўлда юк ташишга кўп вақт кетмоқда. Тошкент шаҳрида тирбандлик муаммоси ҳалигача ҳал бўлгани йўқ. Ҳаво ифлосланишининг олдини олиш бўйича чоралар етарли эмас.

Танқидий руҳда ўтган йиғилиш аввалида шу каби камчиликларнинг сабаблари кўриб чиқилди. Фаолиятида сусткашликка йўл қўйган бир қатор раҳбарларга интизомий чоралар қўлланди.

Транспорт, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимига кирувчи барча вазир ва ҳоким ўринбосарлари фаолиятига самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) жорий этилиши белгиланди.

Жорий йилда инвестиция дастури доирасида 1 минг 637 та инфратузилма иншооти қурилиши режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари бунда бюджет маблағларини самарали ишлатиш, қурилишлар сифатини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратди.

Амалдаги лойиҳалаш ва қурилиш жараёнлари ресурс усулига асосланган. Лойиҳа ташкилотлари объект қийматини имкон қадар "шиширишга" ҳаракат қилмоқда. Қурилишларда талон-торожлик ва ўғрилик ҳолатлари учраяпти.

Шу боис энди лойиҳадан бошлаб, объектни фойдаланишга топширгунча бўлган барча жараёнлар янгича ташкил этилади. Унга кўра, келгуси йил 1 январдан барча лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, қурилиш ва уларни қабул қилишда ресурс усулидан воз кечилиб, ҳажм усулига ўтилади.

Бу тартиб шу йил 1 июлдан йўл, ичимлик суви ва кўприк қурилиши лойиҳаларида жорий қилинади. Ушбу соҳаларни коррупциядан холи қилиш мақсадида қурилишда тузиладиган барча шартномалар рақамлаштирилади, пудратчи ташкилот бажарган ишлар фақат солиқ органига тақдим этилган электрон ҳисоб-фактурадан келиб чиқиб молиялаштирилади, объектни фойдаланишга қабул қилиш жараёни рақамлаштирилиб, далолатномалар "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида тасдиқланади. 10 миллиард сўмдан ортиқ лойиҳалар бўйича субпудратчиларни танлаш ҳам мазкур тизим орқали йўлга қўйилади.

Ушбу тартиб халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларга ҳам татбиқ этилиб, қурилиш материали қаерда қанча пул туришини онлайн кузатиб борадиган тизим бўлади.

Ҳамма ҳисоб-китоб, маблағни иқтисод қилиш лойиҳа ишлаб чиқиш жараёнида бўлиши кераклиги қайд этилди. Бунинг учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Лойиҳа офиси тузилади. У қиймати 10 миллиард сўмдан юқори лойиҳаларни ишлаб чиқиш жараёнида уларнинг асослилигини, хавфсизлик ва энергия тежамкорлигини баҳолаб боради. Ижтимоий муассасалар ва коммунал объектлар бўйича намунавий лойиҳалар ишлаб чиқади. Бундан буён, Лойиҳа офисининг тавсияси бўлмаган лойиҳа ҳужжатлари давлат экспертизасига қабул қилинмайди.

Мутасаддиларга қурилиш меъёрларини хорижий тажриба асосида янгилаш, қурилиш материаллари соҳасида "яширин иқтисодиёт"га чек қўйиш, бу борада электрон классификаторни ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, 2025 йил 1 январдан бюджет ҳисобидан қилинадиган барча харидлар Солиқ қўмитасининг "Е-омбор" платформаси орқали амалга оширилиши белгиланди.

Жорий йилда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда 2,5 миллиард долларлик янги лойиҳалар бошланади. Қайд этилганидек, энди бундай лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ҳам мажбурий экспертизадан ўтказилади.

Шунингдек, ташқи қарз ҳисобидан лойиҳа амалга ошириш тизими ҳам ўзгаради. Бунда лойиҳанинг баҳолаш ҳисоботи ва техник-иқтисодий асослари бир-бирига мослаштирилиб, битта лойиҳа ҳужжати ишлаб чиқилади. Натижада вақт 8-9 ойга қисқаради. Техник-иқтисодий асоси тасдиқланмаган лойиҳага қарз жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Йиғилишда шаҳарларни режалаштиришдаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Кўп жойларда бу ўз ҳолига ташлаб қўйилгани оқибатида ижтимоий инфратузилма, хизматлар ва иш ўринлари бирдек ривожланмаяпти. Айрим бинолар пала-партиш, кўчалар қиёфасига номутаносиб қурилаяпти.

Шу боис, ўзбошимчалик билан ва ноқонуний қурилган объектларни тартибга олиш бўйича қонунчиликни мустаҳкамлаш, тегишли идоралар иштирокида янги тизим яратиш зарурлиги таъкидланди.

Бу йил 170 та, келаси йили камида 300 та шаҳар ва шаҳарчанинг бош режасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бунда "Менинг ҳудудим" платформаси ишга туширилиб, ҳар бир режа аҳоли билан муҳокама қилинади ва ижроси бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Давлатимиз раҳбари янги уй-жойлар таннархи масаласига алоҳида тўхталди. Қурувчи компанияларни молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида Ипотекани қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниши белгиланди.

Бу йил 80 минг хонадонли 1 минг 800 та уй-жой ва 45 та "Янги Ўзбекистон" массивлари барпо этилиши айтилди.

Коммунал соҳа таҳлил қилинар экан, аксарият кўп қаватли уйларда энергия сарфи юқори экани қайд этилди. Шу боис уларда энергия тежаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Унга мувофиқ, кўп қаватли уйлар жойига қараб марказлашган, локал ёки индивидуал иситиш тизимига, айрим қозонхоналар когенерация технологиясига ўтказилади. Бу орқали 2024 йилнинг ўзида 600 минг гигакалория иссиқлик энергияси ва 2,5 миллиард киловатт электр иқтисод қилиш мумкин.

Сўнгги йилларда ичимлик суви соҳасига 25 та лойиҳа доирасида халқаро молия ташкилотларидан 2,5 миллиард доллар жалб қилинди. Ўтган йилнинг ўзида барча манбалардан 8 триллион сўм йўналтирилди. Жорий йилда қўшимча 1,5 миллион аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Мутасаддиларга ичимлик суви сифати стандартларини янгилаб, барча иншоотларда жорий этиш, насосларни модернизация қилиб, сув етказиб бериш таннархини камайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, 5 та шаҳарда – Когон, Ширин, Янгиер, Бекобод ва Янгийўл шаҳарларида тажриба тариқасида сув таъминотига хусусий шериклар жалб қилиниши айтилди.

Кўп қаватли уйларни таъмирлаш, ертўлаларини тадбиркорларга ижарага бериш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Энди бу борадаги маълумотлар ҳам рақамлаштирилиб, "Менинг уйим" тизимига боғланади ҳамда аҳоли ва ташаббускорларга очиқ эълон қилинади.

Бошқарув компаниялари ва ширкатларнинг кредитларини сўндириш ҳамда дебитор қарздорлигини қисқартириш чоралари белгиланди.

Умуман, электр энергияси, газ, сув, иссиқлик, чиқинди ва солиқ тўловлари бўйича хонадоннинг ягона биллинг ҳисоб-рақамини жорий қилиш вақти келгани таъкидланди.

Транспорт соҳаси ҳақида сўз борганда, аввало, жамоат транспорти қамровини оширишга алоҳида аҳамият қаратилди. Янги автобуслар олиб келиш, шаҳарларда йўловчи ташишни брутто-шартнома асосида молиялаштиришга ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йўл қурилишида "яширин иқтисодиёт" улуши юқорилиги, буни назорат қиладиган Транспорт инспекциясининг фаолияти сустлиги кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга йўл қурилишидаги 40 дан зиёд стандарт ва меъёрларни Халқаро муҳандис-консультантлар федерацияси талабларига мослаштириш топширилди.

Халқаро йўналишларда темир йўл қатновларини, юк ва йўловчи вагонлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди. "Қўқон", "Самарқанд" ва "Тошкент" вокзаллари, "Андижон" ҳамда "Урганч" аэропортлари бошқаруви хусусий секторга берилиши белгиланди. Шунингдек, Шаҳрисабз, Сариосиё ва Қўқон аэродромлари таъмирланиб, маҳаллий авиаташувлар йўлга қўйилади.

Тошкент шаҳрида тирбандлик муаммосининг ечимини топиш, дренаж тизимини модернизация қилиш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Экологияни асраш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан.

Юртимизда 2020 йилдан буён 22 мингта янги саноат корхонаси ишга тушган. Умуман, бугунги кунда саноат корхоналари ва автомобиллардан атмосферага йилига 2 миллион тоннадан зиёд ифлослантирувчи моддалар чиқаяпти. Кўп ҳолларда, қурилиш объектлари ва лойиҳалари экологик экспертизадан ўтказилмасдан амалга оширилаяпти.

Шунинг учун 1 апрелдан бошлаб ҳар бир ҳудуднинг ҳаво, сув ва атроф-муҳитни ифлосланиш даражасига қараб тузиладиган рейтинги жорий қилиниши белгиланди. Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят марказлари ҳамда саноатлашган 20 та туманда автоматик ҳаво мониторинги станцияларини ўрнатишни бошлаш вазифаси қўйилди.

Йирик саноат ва барча цемент корхоналарида замонавий чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилади, эскилари алмаштирилади. Қурилиш материаллари, энергетика, металлургия корхоналари томонидан 5 гектардан "яшил белбоғ" яратилиб, жами 10 миллион туп дарахт экилади.

Келгуси беш йил давомида Тошкент шаҳри ва унга туташ Тошкент вилояти туманларида 3 минг гектар "яшил белбоғ" ва 200 гектар "яшил боғлар" ташкил қилинади.

Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичини доимий эълон қилиб борадиган табло ва мониторлар ўрнатилади. Шунингдек, пойтахт кўчаларида оғир юк машиналари ва муддати 10 йилдан ошган автомобиллар ҳаракати босқичма-босқич чекланади. 2025 йил 1 январдан "Аи-80" маркали бензиндан воз кечиш масаласи ҳал этилади.

Тошкент шаҳри жамоат транспортини электр ва газга ўтказиш, метро вагонлари сонини ошириш чоралари кўрилади. "Яшил энергетика"ни қўллаб-қувватлаш, экологик муаммоларнинг олдини олиш ва зарарли оқибатларни камайтириш мақсадида аҳолини электромобилларга ўтишини рағбатлантириш тизими жорий қилинади.

Йиғилиш якунида Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар жорий йилги режалари бўйича ахборот берди.

**ЎзА.**

МУНОСАБАТ

# Фаолиятимизни янада масъулият билан давом эттирамиз

**Тоир АЛИМАТОВ,**
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари.



**2024 йилни янги режа ва улкан мақсадлар билан бошладик. Бу йил ҳам замонавий ва шинам уй-жойлар қуриш борасида ишлар жадал олиб борилмоқда. Белгиланган бунёдкорлик ишларининг сифатли, мукаммал ва ўз вақтида амалга оширилиши вазирлик ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар ходимларидан янада катта масъулият талаб қилади.**

Кеча Президентимиз раислигида 2024 йилда уй-жой, қурилиш, коммунал хўжалиги, транспорт ва экология соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борада бажарилиши зарур бўлган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу соҳага масъул вазирлик ва идоралар олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, бу йил инвестиция дастури доирасида 1 минг 637 та инфратузилма объектини қуриш белгилангани, лекин соҳа ёки ҳудуд раҳбарлари бюджет маблағларини самарали ишлатиш, қурилишлар сифатини таъминлаш бўйича намуна бўладиган тизим яратмагани қайд этилди. Эндиликда лойиҳа қилишдан бошлаб, объектни фойдаланишга топширишгача бўлган барча жараёнлар, уларнинг назорати янгича ташкил этилиши айтилди.

Энг аввало, келгуси йил 1 январдан барча лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, ишларни амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилишда "ресурс усули"дан воз кечилиб, "ҳажм усули"га ўтилиши таъкидланди.

Бундан ташқари, йиғилишда 1 июлдан қурилишда тузиладиган барча шартномалар рақамлаштирилиши, пудратчи ташкилотлар бажарган қурилиш ишлари фақат солиқ органига тақдим этилган электрон ҳисоб-фактурадан келиб чиқиб молиялаштирилиши, объектни фойдаланишга қабул қилиш жараёни рақамлаштирилиб, далолатномалар "Шаффоф қурилиш" тизими орқали тасдиқланиши, 10 миллиард сўмдан ортиқ лойиҳалар бўйича субпудратчиларни фақат ана шу тизим орқали танлаш тартиби йўлга қўйилиши белгиланди.

Шунингдек, йиғилишда мутасаддиларга эскирган 105 та қурилиш нормаларини илғор хорижий тажриба асосида қайта ишлаб чиқиш топширилди.

Хабарингиз бор, вазирлик ҳузурида Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ташкил қилиниб, унга ШНҚлар ва стандартларни ишлаб чиқиш, халқаро талаблар билан уйғунлаштириш ва уларнинг фондини яратиш асосий вазифа сифатида белгилаб берилган. Хусусан, 2024 йилда 40 дан ортиқ нормативлар ва стандартларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини баҳолаш ва натижасига кўра, уларни янгилаш бўйича қарор қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, видеоселекторда ноқонуний қурилган объектларни тартибга солиш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Бунда, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги ва "Ўзбеккосмос" бошчилигида республика комиссияси тузилиб, комиссия мунтазам равишда ҳудудларнинг аэро ва космик суратларини олиб, таҳлил қилади ва олдинги суратлар билан тафовутларни аниқлайди ҳамда ноқонуний қурилишлар рўйхатини шакллантиради. Айнан бизнинг вазирликка вилоят ҳокимлари билан бирга жорий йилда 170 та, келаси йили эса камида 300 та шаҳар ва шаҳарчанинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди. Шунингдек, ҳар бир ишлаб чиқилган режани аҳоли билан муҳокама қилиш ва ижроси бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун "Менинг ҳудудим" платформаси ишга туширилиб, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва овоз бериш механизмини жорий қилиш топширилди.

Айни пайтда вазирлик тизимида бу борада ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йилда Дастур доирасида 35 та шаҳарчаларнинг бош режалари, 49 та қишлоқ (овуллар) аҳоли пунктлари ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ва 1 та шаҳарнинг батафсил режалаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу видеоселектор йиғилишида фаолиятимизни янада изчил давом эттириш бўйича кўплаб вазифаларни белгилаб олдик. Шу боис, жорий йилда ҳам вазирлигимиз ўз олдига юксак марраларни қўйган ҳолда 80 минг хонадонли 1 минг 800 та уй-жой қуриш ва "Янги Ўзбекистон" массивларини 38 тадан 45 тага етказиш мақсадида қизғин ишга киришганини алоҳида таъкидлаш лозим.

# Коммунал соҳа бундан-да ривожланади

**Озодо ЖЎРАЕВА,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари.

**Кеча Президентимиз раислигида 2024 йилда уй-жой, қурилиш, коммунал хўжалиги, транспорт ва экология соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қурилиш-бунёдкорлик йўналишидаги ишлар билан бир қаторда коммунал соҳадаги муаммолар ва соҳани ривожлантириш юзасидан бажарилиши зарур бўлган ишлар ҳам таҳлил қилинди.**



Хусусан, йиғилишда уй-жойларни сақлаш масалалари кўриб чиқилиб, жойлардаги бошқарув компанияларининг фаолияти кўп ҳолларда қониқарсизлиги, 20 мингта кўп қаватли уйлар аҳолиси уларнинг ишидан норози экани қайд этилди. Бошқарув компаниялари ва ширкатларнинг қайтарилмаган кредити ва дебитор қарздорлиги билан боғлиқ муаммолар юзасидан мутасаддиларга бошқарув компаниялари фаолиятини соғломлаштириш чораларини кўриш топширилди.

Дарҳақиқат, республикада мавжуд 800 дан ортиқ бошқарувчи ташкилот ва 217 та ширкатда 20 мингдан ортиқ ходимлар фаолият юритиб, улардан атиги 1 минг нафари касбий сертификатга эга. Эндиликда кўп квартирали уйларни бошқариш органлари раҳбар ва муҳандис ходимларининг ҳар йили камида бир марта ҳамда сантехник, электрик, пайвандчи ходимларининг ҳар уч йилда камида бир марта касбий малакасини тасдиқлаш бўйича тартиб ўрнатилиши йўлга қўйилмоқда. Бу орқали юртимизда фаолият олиб бораётган бошқарув компаниялари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсад қилинган.

Йиғилишда Президентимиз томонидан аксарият кўп қаватли уйларда энергия сарфи хорижга нисбатан 3-4 баробар юқорилиги, иссиқлик таъминоти тизимида энергия йўқотишлари кўплиги, тизимда бугунги кунга қадар бирор марта энергия аудити ўтказилмагани, дебитор қарздорлиги оқибатида иссиқлик корхоналари тизимни яхшилашга инвестиция киритилмаётгани таъкидланиб, кўп қаватли уйларда энергия тежаш бўйича алоҳида дастур амалга ошириш топширилди. Халқаро экспертлар жалб қилиниб, қаерда марказлашган, қаерда локал ёки индивидуал иситиш тизимини қўллаш, қайси қозонхоналарни когенерация технологиясига ўтказиш бўйича ҳар бир ҳудуднинг иссиқлик таъминоти схемаси ишлаб чиқилиши белгиланди.

Бу борада вазирликнинг тегишли ташкилотлари томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ўтган йилда иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан 988 минг хонадонли 24 мингта кўп қаватли уйлар ва 2 мингта ижтимоий объектларга 5,9 млн Гкал иссиқлик энергияси етказиб берилди. Ҳудудлардаги 3,8 мингта ижтимоий объектларда локал иситиш тизимлари кўмир ёқилғисига ўтказилди. Бундан ташқари, инвестиция дастурлари доирасида 14 та иссиқлик таъминоти объекти бўйича 114,8 млрд сўм, Андижон, Чирчиқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича Жаҳон банкининг 52,8 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари ўзлаштирилганини ҳам таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, электр, газ, сув, иссиқлик, чиқинди, "квартплата", солиқ тўловлари бўйича хонадоннинг ягона биллинг ҳисоб рақамини жорий қилиш вақти келгани қайд этилиб, хорижий тажриба асосида тегишли таклифларни ишлаб чиқиш топширилди. Йиғилишда таъкидланганидек, ҳозирда кўп қаватли уйлардаги 2 мингта ертўла тадбиркорларга ижарага берилмасдан, бўш ётибди. Ваҳоланки, бу орқали маҳаллаларда 20 мингта иш ўрни яратиш ва ижарадан йилига 150-200 миллиард сўм қўшимча даромад топиш мумкин. Энди кўп қаватли уйлар ертўласи ва бўш жойларини ижарага беришнинг янги тартиби жорий қилинади. Бунда ертўла ва бўш майдонлар ҳақида маълумотлар рақамлаштирилиб, "Менинг уйим" тизимига боғланади ҳамда аҳоли ва ташаббускорларга очиқ эълон қилинади. Ижара тўловлари фақат "Менинг уйим" платформаси орқали ҳисоб-китоб қилинади ва аҳоли учун очиқ бўлади.

Олдимизда ҳали вазифалар кўп. Уларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш орқали юртдошларимиз турмуш шароитини янада яхшилаб, коммунал соҳани янада ривожлантиришда давом этамиз.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№7 (760) 2024 йил 30 январь

# Ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашга алоҳида эътибор

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**2023 йилда Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ислоҳотлар, вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий кўрсаткичларида ўз ифодасини топди. Энг муҳими, ислоҳотларнинг бош субъекти бўлган инсон ҳар бир Ўзбекистон фуқароси бугунги ўзгаришлар самарасини аввало, ўз оиласининг ҳаёти мисолида ҳис этяпти. Буни даромадларнинг тобора ортиб бориши, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси янгиланаётганида ҳам кўриш мумкин.**



Бойсун туманидаги “Мустақилликнинг 25 йиллиги газ-кимё мажмуаси” лойиҳасининг умумий қиймати 2,9 млрд АҚШ долларидан иборат бўлиб, йилига 5 млрд метр куб газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозирда 20 та қудуқда бурғулаш ишлари якунланиб, 11 та газ қудуғи синовдан муваффақиятли ўтказилган. Ушбу завод халқаро экологик талаблар асосида қурилиб, ишлаб чиқаришдаги зарарли чиқиндиларни 99 фоиз зарарсизлантириш имкониятига эга. Лойиҳанинг биринчи босқичи жорий йилда ишга туширилиб, 2025 йилда тўла ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Шу билан мамлакатимизда саккизинчи газ-кимё мажмуаси Сурхондарёдаги энг йирик саноат корхонаси сифатида эътироф этилаётган заводда 1 050 нафар аҳоли доимий иш билан таъминланади.

Бугун Сурхондарёнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада янгиланиб боряпти. Вилоятнинг қайси ҳудудига борманг, улкан бунёдкорлик ишлари устидан чиқасиз. Кўп қаватли уй-жойлар, кенг ва равон кўчалар, ижтимоий соҳа объектлари, хуллас, янги массивлар қад кўтармоқда. 2023 йилда жами 3 383 та хонадонли 88 та уй-жойларда қурилиш ишлари якунланди. Жумладан, “Янги Ўзбекистон” массивларида жами 1 136 хонадонли 49 та ҳамда уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 2 247 та хонадонли 39 та уй-жойлар фойдаланишга топширилди. 2024 йил 1-чорак якунига қадар 7 418 хонадонли 153 та уй-жойларни қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Олис ҳудудларга инфратузилма кириб борсагина, у ерда ҳаёт сифати ўзгаради. Тадбиркорлик ривожланади, инсонларнинг яшаш тарзи ўзгаради. Шу сабабли 2023 йилда “Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла” мезонлари асосида вилоятнинг олис ҳудудларидаги қишлоқ ва маҳаллаларидаги минглаб инсонлар ҳаётида туб ўзгаришлар, янгиликлар рўй берди. Ҳудудларни комплекс ривожлантириш мақсадида улардаги йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, уй-жойлар таъмирланди. Ичимлик суви, газ ҳамда электр энергия таъминоти яхшиланди. Хусусан, Бойсун туманидаги Дуоба, Шўрчи туманидаги Хушчекка, Музработ туманидаги Боғи эрам, Узун туманидаги Маданий турмуш, Олтинсойдаги Обшир маҳаллаларида яшаётган аҳоли ҳаётида чин маънода янги саҳифа очилди. Ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш мақсадида, 102,65 километр йўллар теккисланди. 396 та темир бетон устунлари ўрнатилиб, янги электр тармоғи тортилди. 2 та янги трансформатор ўрнатилиб, 24 таси таъмирланди. Маҳалла бинолари, тиббиёт пунктлари, мактаб бинолари реконструкция қилинди. Қўшимча бинолар қурилди. Тунги чироқлар ўрнатилиб, кўчаларнинг ҳар икки томони ободонлаштирилди.

– Бойсун тоғларидаги Дуоба маҳалласида 32 километр йўл тўлиқ таъмирланди, – деди Сурхондарё вилояти Халқ қабулхонаси мудири Абдулҳаким Эшмуродов. – Бугун оддий машиналарда ҳам одамлар ўша ҳудудларга бориш имкони яратилди. Дуоба маҳалласининг ўзида 17-мактабга 180 ўринли бино, 58-мактабда янгидан қўшимча бино қурилди. Бу ердаги ўқувчи, ўқитувчиларимизга шароитлар яратилишига эришилди. 50 ўринли поликлиника қурилди, энг малакали муолажаларни беморларга ўша жойнинг ўзида кўрсатишга имкон яратилди. Бу каби ишларни ҳозирги кунда барча маҳаллаларимизда давом эттирмоқдамиз. Ишлар бошланган Обшир маҳалласини оладиган бўлсак, 21 километр сув тармоқлари тортилди. 2 километр йўл асфальтланди, мактаб таъмирланиб, маҳаллага янгидан идора биноси қурилди, оилавий қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди.

Дарҳақиқат, бугун катта ислоҳотлар, ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида яшаяпмиз. Бу жараёнда аввало одамларнинг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашга алоҳида эътибор бериляпти. Сурхондарё вилоятида ҳам “Инсон қадри учун” тамойили асосида кейинги йилларга мўлжалланган муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бунда аҳолини тоза ичимлик суви ва уй-жой билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини бунёд этиш, электр энергияси ва газ таъминотини яхшилаш, аҳоли бандлигини ошириш, фойдаланишдан чиққан ерларни ўзлаштириш, экспорт ва инвестиция ҳажмини кўпайтириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган индустриал зоналар ташкил этиш, таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш белгилаб олинган.

Албатта, Сурхондарё кенг иқтисодий имкониятлари, ноёб географик ва транспорт салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида ўз ўрнига эга. Қалби кенг, меҳнаткаш, ҳисоб-китобли Сурхон халқи 2024 йилда ҳам ўз пешона тери билан бундан-да катта иқтисодий ютуқларни қўлга киритишга бел боғлаган.

# Асосий маҳсулотлар – ички ва ташқи бозорларга

**Сирдарё вилоятида 2009 йилда ташкил этилган Ўзбекистон – Хитой “Пенг-Шенг” қўшма корхонасининг асосий фаолияти халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга сотишдан иборат.**



Корхонада йирик шохли қорамол териси қайта ишланиб, тайёр табиий тери маҳсулотлари, бир неча турдаги замонавий қурилиш материаллари, шунингдек, сантехника ва аёллар пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, корхонада чигитни плёнка остига экиш учун мўлжалланган 4 ва 6 қаторли сеялкалар йиғилмоқда, мармар тошлар қайта ишланиб, жило ва шакллар берилиб, 40 хилдан зиёд маҳсулотлар, қўшни Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, шунингдек, Хитой, Россия ва бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда. Ҳозир йиллик экспорт ҳажми 35 миллион долларлардан ортиқни ташкил этади.

Бугунги кунда қўшма корхонада 2000 нафарга яқин ишчи меҳнат қилади. Улардан 1800 нафари маҳаллий аҳоли вакиллари бўлиб, ишчиларнинг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил қилади. Яқинда корхонада 2 та янги инвестицион ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга тушиш арафасида турибди. Бу лойиҳа ишга тушгач, маҳсулот турлари сони ортади ва юздан зиёд доимий иш ўринлари яратилади.

Экспортчиларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, корхонага Европада ишлаб чиқарилган кимёвий моддалар ва бўёқларни харид қилиш имкони яратилди. 2017 йилда корхона жами 4,3 миллион долларлик экспорт қилган бўлса, у даврда тайёр чарм умуман йўқ эди. 2023 йилда жами 14 миллион долларлик экспортдан 63 фоизини тайёр чарм маҳсулоти ташкил қилди.

Бундан ташқари, корхона томонидан Ўзбекистон ҳудудидаги 30 дан ортиқ пойабзал ва чарм-атторлик буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга тайёр чарм етказиб берилиб, ишчи-ходимлар ўз навбатида ички бозорга ҳамда экспортга пойабзал етказиб бериш билан шуғулланмоқда.

Корхонада 2010 йилдан бери тери хомашёсини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Экспортчиларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш Европада ишлаб чиқарилган кимёвий моддалар ва бўёқларни харид қилиш имконини берди. Бунинг натижасида ишлаб чиқарилаётган чармлар энг юқори стандарт талабларига жавоб бермоқда. Корхона раҳбарияти “Ўзчармсаноат” уюшмаси кўмагида Шанхай, Милан, Москва шаҳарларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, тайёр чарм экспорти бўйича шартномалар имзолаган, деб ёзади ЎзА мухбири Шуҳрат Суяров.

Келишувга биноан Ўзбекистон ҳудудидаги 30 дан ортиқ пойабзал ва чарм-атторлик буюмларини ишлаб чиқарувчи корхонага “Пенг-Шенг”дан тайёр чарм етказиб берилади. Корхонанинг асосий мақсади юқори қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт салмоғини кескин оширишдир.

# Саноат ривожланса, экспорт ҳажми янада ортади

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида шу йилнинг 18 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида инвестиция, экспорт ва халқаро ҳамкорлик соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига жойлардаги корхоналарда иш ўрни яратиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар жорий этилиши белгиланди.**

Шу жумладан, қурилиш материаллари, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат, мебель ишлаб чиқариш каби тармоқларда бўш турган корхоналардаги ускуналар ва механизмларнинг тўлиқ қувватда ишлашига кўмаклашиш муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тошкент вилоятида бу жиҳатдан имкониятлар катталиги учун охирги йилларда Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен каби шаҳарлардаги корхоналарда инвестициялар киритилгани ва юқори технологияларнинг қўлланилгани ҳисобига импорт ўрнини босадиган қурилиш материаллари, электротехника ва бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бунинг ҳисобига, ички бозорни тўла қоплаш баробарида четга экспорт ҳажми ҳам шунга лойиқ бўлаётгани таҳсинга лойиқдир. Муҳими, кўплаб корхоналар ихтисослашиб, самарали иш олиб борилгани учун вилоятнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми республика улушида 16,6 фоизни, яъни, 2-ўринни ташкил қилмоқда.

Маълумот учун айтиш керак, якунланган йил таҳлили бўйича вилоятда 1,6 миллиард АҚШ долларилик 800 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилгани натижасида экспорт ҳажми аввалги даврга қараганда 51,4 миллион АҚШ долларига ошди. 26 минг 827 нафар ёшлар учун доимий иш ўрни яратилди. Энг муҳими, бюджетга қўшимча 360,3 миллиард сўм тушум ҳамда ишлаб чиқариш 4,2 триллион сўмга ошишига эришилгани ибратга лойиқдир.

Замонавий технологиялар қувватидан фойдаланаётган корхоналар нафақат маҳсулот тайёрлаш ҳажми ва сифатига, балки энергиятежамкорлик борасида ҳам ютуқларга эришмоқда. Бир мисол, Зангиота туманидаги “ASIA POLYPLAST” масъулияти чекланган жамиятига қарашли хорижий корхона асосан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, фаолият бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан, аниқ мақсадга йўналтирилган бизнес-режа асосида ҳозирги кунда умумий қиймати 12,1 миллион АҚШ долларига тенг ва йилига 200 тонна қурилишбоп лак-бўёқ маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифатли бўлгани боис, ички ва ташқи бозорларда аллақачон ўз харидорларини топган.

Айни пайтда жамият фойда ҳисобидан фаолиятини кенгайтириб, қўшимча цехлар қуриш ва қурилишбоп материаллар турини бир неча баробарга ошириш юзасидан истиқболли лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Демак, тез орада бу ерда яна ўнлаб иш ўринлари яратилади ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортади. Мисолни айнан Зангиота туманидан келтиришимизнинг боиси бор. Чунки бу ерда инвестицион лойиҳаларни қўллаш имкониятлари кўп. Мана шу жиҳатлар батафсил таҳлил қилингани, қолаверса, давлатимиз раҳбари видеоселекторда таъкидлаган вазифалардан келиб чиқиб, 2024 йилда ҳам ҳудудда кўплаб истиқболли лойиҳаларни киритиш орқали янги иш ўринларини яратиш бўйича мутахассислар томонидан муҳим тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

# Бўстонлиқда Хитойнинг туризм лойиҳаси ишга туширилади

**Айни кунларда Хитой Халқ Республикасида бўлиб турган Тошкент вилояти делегацияси Урумчи шаҳрига ташриф буюрди. Мазкур ҳудуд марказида иш бошлаган Тошкент вилояти ваколатхонасида Зойир Мирзаев ишбилармон доира вакилларини қабул қилди ва бир қатор музокаралар олиб борди.**



Мулоқотда юқори технологиялар, инновациялар, саноат, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа йўналишларда амалий ҳамкорлик ўрнатилиши кўзда тутилган.

Тошкент вилояти делегацияси Урумчи шаҳрининг Тянь-Шань тоғ тизмаларида жойлашган курорт зонаси фаолияти билан ҳам танишди. Келгусида Бўстонлиқ туманининг “Оқтош” ҳудудида замонавий дам олиш масканини қуриш бўйича келишувларга эришилди. Ўзбекистонда яратилган инвестицион муҳит билан танишиш ҳамда лойиҳалаш ишларини бошлаш бўйича Хитой делегациясининг жорий йил февраль ойида Тошкент вилоятига ташрифи борасида келишиб олинди.

Лойиҳанинг дастлабки инвестиция қиймати 10 миллион доллар деб баҳоланмоқда. Ўзбекистон – Хитой инвестиция, савдо ва туризм форуми давомида Урумчи шаҳри марказий боғида қурилган Самарқанддаги оламга машҳур Регистон меъморий обидасининг кичик ҳажмдаги кўриниши ҳам намойиш қилинди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Абдулазиз Мусаев.

Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев форум очилиш маросимида нутқ сўзлаб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга чорлади. Шунингдек, хитойлик ишбилармонларнинг турли соҳалардаги ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича таклифлари кўриб чиқилди.

# Яшил энергия маркази иш бошлади

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Урганч шаҳрида Энергетика вазирлиги ҳузуридаги “Яшил энергия” МЧЖ Хоразм ҳудудий сервиз маркази иш бошлади. Бугунги кунда электр энергиясига талаб юқори бўлганлиги, ишлаб чиқариш харажатлари қимматлиги боис, муқобил энергия, яъни қуёш панелларидан фойдаланиш оммалашмоқда.**

Бу борада фуқаролар ва тадбиркорлар учун қатор имтиёзлар ҳам белгиланган. Натижада аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектлари, корхона ва ташкилотларга ҳам қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Ўз навбатида, кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш ишларини тизимли ташкил этиш эҳтиёжи ҳам ортиб бормоқда.

Ҳудудлардаги марказлар айнан шу мақсадларни инобатга олган ҳолда ташкил этиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-57-сон қарори ижроси бўйича ижтимоий соҳа объектлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, бино ва иншоотларнинг кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш ишлари жадаллашди. 2023 йилнинг 20 февралида ташкил қилинган “Яшил энергия” МЧЖ ҳам соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Корхона қуёш фотоэлектр станциялари учун техник хизматларни таклиф этади.

Марказнинг очилиш маросимида иштирок этганлар биргина 2023 йилда 23,7 мегаватт қувватга эга 3 815 та қуёш панеллари ўрнатилгани ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда техник хизмат кўрсатишнинг аҳамияти катта эканини таъкидлашди.

# Газ тўлдириш шохобчаси яна биттага кўпайди

**Азиз МАШРАБОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимизда сўнгги йилларда энергетика тизимини, шу жумладан, газ соҳасини янада ривожлантириш мақсадида энерготежамкор, замонавий ва илғор технологиялар жорий этилиб, газ таъминоти фаолияти трансформация қилинмоқда.**



Жорий йилгача воҳада 10 та суюлтирилган газ тўлдириш иншооти мавжуд эди. Эндиликда уларнинг сони яна биттага кўпайиб, Сариосиё тумани Шаҳробод маҳалласидаги 32 минг 407 истеъмолчига хизмат кўрсатадиган янги суюлтирилган газ тўлдириш шохобчаси иш бошлади. Ҳозирги кунда жами 10 та газ тўлдириш иншооти хизмат кўрсатаётган бўлиб, кунлик қуввати 460 тонна, ойлик қуввати 9 660 тонна, йиллик қуввати 115 920 тоннани ташкил этган. Янги ишга туширилган шохобча туфайли бир кунда 30-35 тонна, бир ойда эса 800-900 тонна суюлтирилган газга тўлдирилган баллонлар белгиланган муддатда истеъмолчиларга етказилади. 13 киши иш билан таъминланди.

– Сариосиё тумани суюлтирилган газ истеъмолчиларига бугунга қадар Узун туманидан 6 км ва Денов туманидан 25 км масофани босиб ўтиш эвазига газ баллонлари етказилар эди. Энди ушбу масофа қисқариб, қийинчиликлар ортда қолди, – деди “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали бўлим бошлиғи Илҳом Ҳайитов. – Эндиликда газ баллонларни етказиб беришда вақт ҳам, маблағ ҳам тежалади. Янги иншоотга Қашқадарё вилоятидаги Шўртан ва Муборак газ корхонасидан “MAN” русумли автотранспорт орқали газ етказиб берилмоқда.

Шунингдек, газ тўлдириш шохобчасида ҳар бир жараён, жумладан, газ сақлаш, унинг хавфсизлик чоралари, баллонларни тўлдириш ва улардаги қолдиқларни бўшатиш жараёнларини доимий равишда 6 та видеокамера назорат қилиб боради.

Дарвоқе, иш вақтида ходимларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Махсус кийимлар, ҳимоя воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланган.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# Кегейли туманида янги мактаб барпо этилди

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак, Кегейли, Қонликўл, Қўнғирот туманларида "Янги Ўзбекистон" массиви қурилиши бошланган эди. Массивларда нафақат турар жойлар ва инфратузилма яратилиши, балки ижтимоий соҳа объектларини қуриш ҳам режалаштирилган эди.**

Бугунги кунда Фармон ижросини таъминлаш борасида жойларда бир қатор ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилмоқда.

2023 йил сўнгида Қораўзак туманида 330 ўринга мўлжалланган 2-сон умумтаълим мактаби ва Қонликўл туманидаги "Наврўз" МФЙ ҳудудида 330 ўринга мўлжалланган мактаб фойдаланишга топширилган эди.

Янги йилнинг илк ойида эса Кегайли туманидаги "Ақтуба" ОФЙ ҳудудида барпо этилаётган турар жойлар ёнида 320 ўринли янги мактаб биноси ҳам қуриб битказилди. 12,6 млрд сўм маблағ эвазига барпо этилган янги мактабда болаларнинг тўлақонли билим олишлари учун барча шароит яратилган. Атрофи ободонлаштирилган.

– "Янги Ўзбекистон" массивида барпо этилаётган турар жой ва ижтимоий объектлар қурилиши натижасида маҳалламиз қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди, – деди "Ақтуба" ОФЙ раиси Алишер Баймуратов. – Бугунги кунда 70 дан зиёд аҳоли янги уйларга кўчиб келган. Тиббиёт маскани, болалар боғчаси билан бир қаторда янги мактабнинг фойдаланишга топширилиши аҳоли учун катта совға бўлди.

Қувонарлиси, янги йил арафасида ва янги йилнинг илк кунларида Қорақалпоғистон Республикасида 30 дан ортиқ турар жой ҳамда ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилди.

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

# Лойиҳа 5 мегаватт электр энергияни тежайди

**Зиё СИРОЖ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Хўжаобод туманида 5 мегаватлик фотоэлектростанцияни қуриш ишлари бошланди.**

Лойиҳа ишга туширилгач, Хўжаобод ва Булоқбоши туманларидаги нефть қудуқлари доимий электр энергияси билан таъминланади. Натижада, ҳозирда ушбу объектлар учун сарфланаётган қувват аҳоли хонадонларига йўналтирилиши учун имконият яратади.

Қиймати 6,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ушбу лойиҳа 2 босқичда амалга оширилиб, шу йилнинг иккинчи чорагида фойдаланишга топширилади.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Замонавий турар жой мажмуаси қурилди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, уларни уй-жой билан таъминлаш ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, мана шундай эзгу ташаббус ва бунёдкорлик туфайли юртимизда кўплаб турар жойлар қад ростламоқда.**

Бунинг натижасида одамларнинг йиллар давомида ушалмаган орзулари рўёбга чиқмоқда. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида ҳам ушбу эзгу ташаббусларнинг давоми сифатида 4 та уч ва 1 та беш қаватли 110 хонадондан иборат кўркам, замонавий ва ҳар томонлама қулай турар жойлар мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, қурувчилар, туман фаоллари, нуронийлар иштирок этишди. Тадбирда сўз олганлар вилоятда майдони бўйича кичик, аҳоли зичлиги бўйича пешқадам бўлган туманда айнан кўп қаватли турар жойлар фуқароларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришини таъкидлашди. Шунингдек, янги хонадонларда уй тўйларини нишонлаётган юртдошларимизни табриклашди.

Шундан сўнг, рамзий тасма қирқилиб, туман ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари ҳамда нуронийлар янги хонадон соҳибларининг уйларида меҳмон бўлиб, уларнинг қувончига шерик бўлишди.

"Сарбон шаҳарчаси" масъулияти чекланган жамияти томонидан 18 млрд маблағ эвазига 1 гектар ер майдонида бунёд этилган мазкур турар жойларда аҳоли учун барча шароитлар муҳайё қилинганини айтиб ўтиш жоиз. Болалар майдончаси, кенг ва ёруғ хоналар, иссиқлик тизими ҳамда бошқа шароитлар яратилган. Туман кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшган бу каби турар жойлар қурилиши давом этмоқда. Албатта, бу ишлар аҳолининг қулай яшаши, турмуш тарзи ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

# Яна бир тиббиёт маркази очилди



**Кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий шифохоналарни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса марказдан олис ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг ҳам замонавий тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини бермоқда.**

Хусусан, Чироқчи туманининг Навоий маҳалласида кўп тармоқли хусусий даволаш килиникаси фаолият бошлагани ҳам давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир. Тиббиёт марказининг очилиш маросимида туман ҳокими Файзулла Юсупов бошчилигида сектор раҳбарлари, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Тадбир давомида сўз олганлар юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада яхшилашга аҳамият қаратилаётганини таъкидлашди.

Мазкур беш қаватли кўп тармоқли хусусий клиника тадбиркор Абдуғани Турдиевнинг саъй-ҳаракати билан 7 млрд сўмдан зиёд маблағ эвазига бунёд этилди. Клиника Хитой, Россия, Корея давлатларида ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги 26 турдаги тиббий аппаратура ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Муассасада 12 нафардан зиёд олий тоифали шифокор ҳамда 26 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатишади.

– 50 ўринли килиникамизга саломатлигини тиклаш учун келган беморларга бир қатор қулайликлар яратилган, – деди тадбиркор Абдуғани Турдиев. – Хусусан, азонтерапия, махсус спорт зал, траксионн кроват, фитобочка, гидрованна, барча қулайликларни ўзида мужассам этган шинам хона ва 50 турдаги таомлар менюси шакллантирилган.

Ҳозирда ушбу клиниканинг ишга туширилиши ҳисобига 35 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, бу кўрсатгич 6 ой ичида 60 тага етказилиши кўзда тутилган.

Маълумот ўрнида, 2024 йилнинг январь ойининг ўзида туманда иккинчи тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди.

Эзгу ва хайрли ташаббуслар давомида саховатпеша тадбиркор Абдуғани Турдиев ҳамда туман ҳокимлиги кўмагида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 14 нафар фарзанди учун хатна тўйлари қилиб берилди.


## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

# "ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI" МЧЖ

## очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

**"ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2024 йил 26 январдаги 52-сонли буюртманомасига асосан, "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

| № | Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|
| 1. | 9/3-1-сонли умумий майдони 9 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 46 048 383 |
| 2. | 9/3-2-сонли умумий майдони 9 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 46 048 383 |
| 3. | 9/3-3-сонли умумий майдони 9 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 46 048 383 |
| 4. | 9/3-4-сонли умумий майдони 9 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 46 048 383 |
| 5. | 9/3-5-, 6-сонли умумий майдони 18 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 92 096 766 |
| 6. | 9/4-1-сонли умумий майдони 9 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 46 048 383 |
| 7. | 9/4-2, 3-сонли умумий майдони 18 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 92 096 766 |
| 8. | 9/4-4-сонли умумий майдони 9 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 46 048 383 |
| 9. | 9/4-5, 6-сонли умумий майдони 18 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 92 096 766 |
| 10. | 16/3-сонли умумий майдони 43,80 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 231 398 816 |
| 11. | 16/5а-сонли умумий майдони 43,80 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 231 398 816 |
| 12. | 16/7-сонли умумий майдони 43,80 $м^2$ ўлган савдо шохобчаси | 231 398 816 |
| 13. | 16/9-сонли умумий майдони 43,80 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 231 398 816 |
| 14. | 16/13-сонли умумий майдони 45,9 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 242 493 280 |
| 15. | 16/15-сонли умумий майдони 44,46 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 235 096 971 |
| 16. | 16/17-сонли умумий майдони 46,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 243 021 588 |
| 17. | 16/19-сонли умумий майдони 46,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 243 021 588 |
| 18. | 16/21-сонли умумий майдони 56,20 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 296 908 984 |
| 19. | 16/8-сонли умумий майдони 14,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 73 963 106 |
| 20. | 16а/8-сонли умумий майдони 20,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 105 661 560 |
| 21. | 16/а-2-сонли умумий майдони 5,40 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 28 528 621 |
| 22. | 17/2-сонли умумий майдони 44,60 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 235 625 579 |
| 23. | 17/4-сонли умумий майдони 25,70 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 135 775 105 |
| 24. | 17/6-сонли умумий майдони 25,90 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 136 831 720 |
| 25. | 17/8-сонли умумий майдони 26,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 137 360 054 |
| 26. | 17/10-сонли умумий майдони 26,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 137 360 054 |
| 27. | 17/12-сонли умумий майдони 25,70 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 135 775 130 |
| 28. | 17/14-сонли умумий майдони 25,70 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 135 775 130 |
| 29. | 17/16-сонли умумий майдони 26,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 137 360 054 |
| 30. | 17/17-сонли умумий майдони 48,10 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 254 116 052 |
| 31. | 17/18-сонли умумий майдони 26,12 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 137 888 336 |
| 32. | 17/19-сонли умумий майдони 45,70 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 241 436 665 |
| 33. | 17/20-сонли умумий майдони 25,90 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 136 831 720 |
| 34. | 17/22-сонли умумий майдони 26,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 137 360 054 |
| 35. | 17/25-сонли умумий майдони 45.40 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 239 851 741 |
| 36. | 17/26-сонли умумий майдони 25,50 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 134 718 489 |
| 37. | 17/27-сонли умумий майдони 44,28 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 233 934 694 |
| 38. | 17/28-сонли умумий майдони 26,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 137 360 054 |
| 39. | 17/30-сонли умумий майдони 26,22 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 138 416 643 |
| 40. | 17/32-сонли умумий майдони 26,32 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 138 944 951 |
| 41. | 17/33-сонли умумий майдони 44,20 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 233 512 048 |
| 42. | 17/35-сонли умумий майдони 47,10 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 248 832 974 |
| 43. | 17/36-сонли умумий майдони 28,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 147 926 184 |
| 44. | 17/36 А-сонли умумий майдони 10,20 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 53 887 395 |
| 45. | 17/36 Б-сонли умумий майдони 16,80 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 88 755 710 |
| 46. | 18/1-1-сонли умумий майдони 22,40 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 118 340 947 |
| 47. | 18/1-2-сонли умумий майдони 44.20 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 233 512 047 |
| 48. | 18/1-3-сонли умумий майдони 47.13 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 248 832 974 |
| 49. | 18/1-4-сонли умумий майдони 46,31 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 244 606 511 |
| 50. | 18/2-1С-сонли умумий майдони 17,80 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 94 038 788 |
| 51. | 18/2-1А-сонли умумий майдони 11,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 58 113 858 |
| 52. | 18/2-1Б-сонли умумий майдони 8,30 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 43 849 547 |
| 53. | 18/2-2-сонли умумий майдони 21,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 110 944 638 |
| 54. | 18/2-3-сонли умумий майдони 38,70 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 204 455 118 |
| 55. | 18/2-3А.-сонли умумий майдони 52,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 274 720 056 |
| 56. | 18/2-4-сонли умумий майдони 22,30 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 117 812 639 |
| 57. | 18/2-5-сонли умумий майдони 9,80 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 51 774 164 |
| 58. | 18/2-5А-сонли умумий майдони 10,40 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 54 944 011 |
| 59. | 18/2-6-сонли умумий майдони 3,30 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 17 434 157 |
| 60. | 18/4-2-сонли умумий майдони 15,30 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 80 831 093 |
| 61. | 18/4-4-сонли умумий майдони 9,30 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 49 132 625 |
| 62. | 18/4-5-сонли умумий майдони 2.90 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 15 320 926 |
| 63. | 18/4-6-сонли умумий майдони 11,40 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 227 089 |
| 64. | 18/4-7-сонли умумий майдони 8,45 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 44 377 855 |
| 65. | 18/7-сонли умумий майдони 24,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 126 793 872 |
| 66. | 19/3-сонли умумий майдони 44,50 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 235 096 971 |
| 67. | 19/1Б-сонли умумий майдони 44,10 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 232 983 740 |
| 68. | 19/2-сонли умумий майдони 44,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 232 455 432 |
| 69. | 19/4-сонли умумий майдони 44,50 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 235 096 971 |
| 70. | 19/6-сонли умумий майдони 44,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 232 455 432 |
| 71. | 19/9-сонли умумий майдони 44,50$м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 235 096 971 |
| 72. | 19/7-сонли умумий майдони 44,20 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 233 512 048 |
| 73. | 19/10-сонли умумий майдони 45,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 237 738 510 |
| 74. | 4/56-сонли умумий майдони 20,50 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 65 600 000 |
| 75. | 34/1А-сонли умумий майдони 55,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 290 569 290 |
| 76. | 34/1Б-сонли умумий майдони 80,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 422 646 240 |
| 77. | 43-1-1-сонли умумий майдони 75,50 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 398 872 389 |
| 78. | Ён дарвоза 6-сонли умумий майдони 33,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 175 684 575 |
| 79. | Ён дарвоза 7-сонли умумий майдони 31,40 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 167 166 535 |
| 80. | Ён дарвоза 9-сонли умумий майдони 10,80 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 57 496 770 |
| 81. | Марказий дарвоза 1/Б-сонли умумий майдони 9,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 43 640 649 |
| 82. | Марказий дарвоза 2/Б-сонли умумий майдони 11,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 53 338 571 |
| 83. | Марказий дарвоза 3/Б-сонли умумий майдони 9,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 43 640 649 |
| 84. | Марказий дарвоза 1/2-1-сонли умумий майдони 7,50 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 36 367 208 |
| 85. | Марказий дарвоза 1/3-1-сонли умумий майдони 7,50 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 36 367 208 |
| 86. | Марказий дарвоза 1/4-сонли умумий майдони 11,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 53 338 571 |
| 87. | К-1/1-сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 88. | К-1/1А-сонли умумий майдони 6,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 28 059 648 |
| 89. | К-1/2-сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 90. | К-1/3-сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 91. | К-1/4-сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 92. | К-1/5-сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 93. | К-1/6А-сонли умумий майдони 2,3 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 10 756 198 |
| 94. | К-2/1-сонли умумий майдони 12,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 56 119 296 |
| 95. | К-2/2-сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 96. | К-2/3-сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 97. | К-2/4-сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 98. | К-2/5-сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 99. | К-2/6-сонли умумий майдони 19,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 800 000 |
| 100. | К-3/1-сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 88 855 552 |
| 101. | К-3/1А-сонли умумий майдони 6,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 28 059 648 |
| 102. | К-3/2 сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 103. | К-3/3 сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 104. | К-3/4 сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 105. | К-3/5 сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 106. | К-3/6 сонли умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 107. | Т-1/1А сонли умумий майдони 22,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 102 885 376 |
| 108. | Т-1/2 сонли умумий майдони 9,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 42 089 472 |
| 109. | Т-1/3 сонли умумий майдони 10,20 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 47 701 402 |
| 110. | Т-1/5 сонли умумий майдони 11,30 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 52 845 670 |
| 111. | Т-1/6 сонли умумий майдони 10,60 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 49 572 045 |
| 112. | Т-2-1 сонли умумий майдони 16,80 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 78 567 014 |
| 113. | Т-2-2 сонли умумий майдони 15,30 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 71 552 102 |
| 114. | Т-2-3 сонли умумий майдони 15,30 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 71 552 102 |
| 115. | Т-2-4 сонли умумий майдони 16,80 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 78 567 014 |
| 116. | Т-3/1, 2 сонли умумий майдони 8,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 37 412 864 |

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилиш охирги муддати:** 2024 йил 27 февраль куни соат 16.00 гача.

**Талабгорларнинг таклифлари 2024 йил 29 февраль куни соат 11.00 дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 14, 28 март, 11, 25 апрель, 10, 24 май, 6, 20 июнь, 4, 18 июль, 1, 15, 29 август, 12, 26 сентябрь, 10, 24 октябрь, 7, 21 ноябрь, 5, 19 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

**Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида "ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-82.



**Элёр ҚАЛАНДАРОВ,** Беруний тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори.

**Ватан тушунчаси ва унинг қадр-қиммати болалик чоғларимданоқ вужудимга сингиб кетган, десам муболаға бўлмайди. Чунки оиламиз бошлиқлари шу мазмундаги китобларни кўп мутолаа қилгани сабабли уларга ҳавасим ортиб, барчасини қолдирмасдан ўқирдим. Айниқса, халқимизнинг тинч-тотув яшаши ва ҳар қарич еримизни кўз қорачиғидай асраш учун жонини ҳам аямаган Жалолиддин Мангуберди бобомизнинг кўрсатган жасоратию мардликлари тўғрисидаги китоблар бу борадаги туйғуларимни янада оширган.**

# ДИЛГА ЖОЙЛАГАНМАН, МАНГУБЕРДИ ҚУДРАТИН!

Улғайган сари "Мактабни битиргач, қайси касбни танласам жамиятга, айниқса, овулимизга наф келтиришим мумкин?", деган фикр қалбимни чулғаб олганди. Шунда қурувчилик касбини эгаллаб, биринчи навбатда, мактабимизни янгилайман, дея ният қилгандим. Яхши гапга ҳам, ёмонига ҳам фаришта омин, дейиши рост экан. Мактабни битириб, Урганч давлат университетининг Шаҳар қурилиши ва хўжалиги факультетига ўқишга кирдим. Ўқиш жараёнида соҳани мукаммал эгаллашга ҳаракат қилдим.

Дастлабки меҳнат фаолиятимни Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Беруний тумани бўлимида бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектор вазифасидан бошладим. Илк иш бошлаган пайтларим тажрибали устозлар ёрдамини аяшмади, билмаганларимни ўргатишди. Бугунги кунда туман ҳудудида кўп қаватли турар жойлар, мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа кўплаб иншоотларнинг қад ростлашида соҳага замонавий метод ҳамда технологияларни жорий қилиш юзасидан бир қанча лойиҳаларим амалда татбиқ этилмоқда. Бунинг учун энг аввало, соҳани пухта эгаллашимга меҳнати сингган устозлардан миннатдорман.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2024 йил "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" деб белгилангани мен каби тенгдошларимга янада кўпроқ имконият яратиш баробарида зиммамизга масъулият ҳам юклаганини унутмаслигимиз зарур. Энг аввало, Янги Ўзбекистонимиз барқарор ривожланиши учун Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз эса тинч-тотув яшаши керак. Мана шу улуғ неъматларнинг қадрига етиб, уларни асраб-авайлаш эса барчамизнинг бурчимиздир.

Туманимизда ташаббускор ёшлардан иборат ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, мен ҳам унинг сафидаман. Ишдан сўнг овул ва маҳаллаларга бориб, ёшлар билан "Шу Ватанда улғайдим!", "Боболарим қолдирган мерослардан ибрат оламан", "Менинг оилам энг намунали оила бўлади", "Тинчлик – оилам учун энг улуғ неъмат" каби мавзуларда учрашувлар ўтказишни режа қилганмиз. Тадбирларда нафақат ёшлар, катталар ҳам фаол қатнашиб, ўз фикрларини билдиришяпти, муаммолари бўлса, ҳокимлик орқали ҳал қилиб берилмоқда.

# Архитекторлар оиласи

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Оилада бир касб эгаларининг бўлгани яхши, албатта. Чунки бундай оилаларда уйда ҳам касбга оид муҳокамалар, қизғин баҳс-мунозаралар бўлиши турган гап. Қуйида Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи архитекторлар оиласи ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.**

Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида 35 йиллик тажрибага эга фарғоналик архитектор Исмоил Долимов ҳақида ёзган эдик. У 1969 йили Андижонда туғилган. Иқтидори ва меҳнаткашлиги сабаб олий маълумоти бўлмаса-да, 19 ёшидан бошлаб архитектура соҳасида ишлай бошлаган. Кейинчалик Фарғона политехника институтида ўқиган. У шу кунга қадар 3 мингдан ортиқ лойиҳа яратган, улар орасида давлат ташкилотларининг бинолари, бозорлар ва бошқа иншоотлар бор. Дастлаб, Риштон туманида Архитектура бўлимида ишлаб, 2003 йилдан Меъморлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлимида ўз фаолиятини давом эттирди. Ҳозирги кунда буюртма лойиҳаларни қилиш билан бирга қурилиш фирмалари билан шартнома асосида ишлаб келмоқда. Сўнгги 20 йил давомида Исмоил Долимов кўплаб оилаларнинг уй-жойлар қуришига катта ҳисса қўшган. Буни қарангки, Исмоил аканинг оиласида яна икки архитектор бор – ўғли ва келини.

– Тўнғич ўғлим Хуршиджоннинг рассомчиликка қизиқишини пайқаб, ўсмирлик давриданоқ ёнимда олиб юришга ҳаракат қилдим, – деди у биз билан суҳбатда. – Хонадонимизда шогирдим Мурожон пайдо бўлгач, икки ўғлим ва унинг бемалол шуғулланиши учун керакли барча ўқув қуроллари, бўёқлар, дастгоҳлар, компьютерлар билан таъминлаб бердим. Натижа узоқ куттирмади. Навбатдаги Тошкент сафаридан қайтсам, ўғлим Хуршид ўзи чизган натюрмортини кўрсатди. Унда сўйилган қовун ва унинг бир бўлаги акс этиб турарди. Сурат жуда жонли тасвирланган экан. Суратдан таъсирланиб, ҳаттоки "Қонида бор экан, касбимнинг давомчиси ўзимдан чиқди", – дея кўзимга ёш олдим.

Хуршиджон Фарғона шаҳридаги Санъат коллежининг дизайн куллиётида малакали устозлардан сабоқ ола бошлади. Шу билан бирга, архитектура соҳасининг сир-асрорларини отаси Исмоил акадан ўрганиб борди. Бундан ташқари, компьютерда AutoCAD ва 3Dmax каби дастурларда ишлашни ҳам ўрганди.

– Ўғлим Санъат коллежида тез танилди, – дея ҳикоя қилади Исмоил ака. – Ўз гуруҳига сардор этиб сайланди. Коллежда ўзи ўқийдиган гуруҳдаги бир қиз билан жиддий муносабатда экан. Ота-оналар йиғилишларида бўлажак келинимнинг истеъдоди ҳақида ҳам хабардор бўлиб юрдим. У миниатюраларни ниҳоятда гўзал кўринишда чизар эди. Ўғлим билан нафақат ота-ўғил сифатида, балки ҳамкасб, ўртоқдай муносабатда бўлганлигим туфайли келиним ҳақида маълумотларни билиб юрдим. Сўнг иккови ҳам Тошкент архитектура-қурилиш институтига ўқишга кириб, битта гуруҳда таҳсил ола бошлашди. Бу орада уларнинг тўйини ўтказдик.

– Архитектор касбини танлашим ва бу соҳада ишлашимда отам муҳим ўрин эгаллаган, – деди Хуршиджон. – Мен оилада тўнғич фарзандман. Ақлимни таниганимдан бери отамнинг ижодини кузатиб, бу соҳага қизиқишим уйғонган. Мактаб пайтимдан бошлаб отам билан ишлашни бошлаганман. Бу йўналиш бўйича коллежга киришим ва олийгоҳни тамомлашимда ҳам отамнинг қўллаб-қувватлаши ва қизиқтириши асос бўлган.

Хуршиджон ҳозирда "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ДМнинг Фарғона вилояти филиалида Бош архитектор сифатида фаолият олиб бормоқда. Ўзи каби архитектура соҳаси вакиласи бўлган аёли эса ҳозирги кунда фарзандлар тарбияси билан машғул. Оиладаги кенжа ўғил Ҳумоюн Мирзода ҳам оз бўлса-да, архитектурага қизиқиш бор. Аммо у чет элда ўқиш истагида бўлиб, айни пайтда инглиз, корейс ва араб тилларини ўрганишга бел боғлаган.

Эътиборли жиҳати, ушбу архитекторлар хонадонида ижод қилиб, янги лойиҳалар яратиш учун алоҳида битта хона ажратилган. Унда архитектор учун барча керакли шароит ва анжом-ускуналар бор.

– Набираларим учун ҳам устахонамиз эшиклари доимо очиқ, – деди Исмоил ака. – Улар учун қоғоз, бўёқ, қалам каби ўқув қуролларидан фойдаланиш чегараланмаган. Улар ҳам ҳозир изланишда. Қизиқишлари шундай даражадаки, тасаввурлари қоғозларга сиғмай, барча хона деворларигача акс этган. Деворлардаги турли-туман чизилган суратларни ҳакамлар ҳайъати раиси сифатида баҳолаб бўлгач, йилда икки марта уста чақириб, деворларни қайта таъмирлаб турамиз.

Халқимизда "От изини той босар" деган мақол бор. Исмоил ака ҳам касбини давом эттирувчи фарзанди борлигидан фахрланиши юқоридаги сўзларидан сезилиб турибди. Бу оилада келгусида яна кўплаб етук архитекторлар улғайиб, камол топса, ажаб эмас.

**БИЛАСИЗМИ?**

# Дунёдаги энг қиммат керамик плитка ҳақида биласизми?

**Дунёда турли хил қимматбаҳо тошлар ёки нодир металлар ҳақида кўп эшитгансиз. Аммо энг қиммат қурилиш материаллари ҳақида билармидингиз?**



Pietra Firma LuxTouch плиткаси.



Торонтодаги Дрейкнинг уйи.

Дунёда энг қиммат қурилиш материаларидан бири – керамик плитка "PIETRA FIRMA" компаниясига тегишлидир. Таниқли дизайнер Жон Харвуд лойиҳаси асосида тайёрланган "PIETRA FIRMA LUXTOUCH" керамик плиткаларидан яхтани ички қисми (ётоқхона ва ювиниш хонаси)ни безатишда фойдаланилади.

Рекорд даражада нархга эга бўлган керамик плитка Монакодаги яхталар шоусида намойиш этилган. Унинг ҳар бир квадрат метри 1 000 000 долларни ташкил этади. Бебаҳо қурилиш материалини ишлаб чиқаришда кўплаб ноёб хомашёлардан фойдаланилган. Хусусан, керамик плиткани асосий таркиби қора агатдан ташкил топган. Маҳсулотнинг марказидаги гуллар табиий перламутрдан ясалган. Маркази ва гулбаргларини безатишда 95 та йирик олмосдан фойдаланилган. Бурчакларини безаш учун ноёб абалоне моллюскасининг 100 дан ортиқ қобиқ элементлари ишлатилган.

Энг асосийси, қўлда ясалган ушбу эксклюзив керамик плитка намойиш этилиши билан харидорлар том маънода навбатда туришган. Бундай ноёб пардозлаш материалини сотиб олишни истаганлар сони эса йил сайин ортган.

Айни пайтда "PIETRA FIRMA" компанияси маҳсулот ишлаб чиқаришни чеклаб қўйган. Плиткалар буюртмалар асосида ишлаб чиқарилади ва фақат 5 та меъморий лойиҳада қўлланилади.

*Интернет материаллари асосида тайёрланди.*

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2024 йил январь ойининг сўнгги кунлари ва февраль ойининг илк саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ичимлик ва оқова сув тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Гулмира Арипова,** Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Баҳром Яқубов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари **Азларжон Садиков,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Ходимлар бўлими бош мутахассиси **Дилором Шамагдиева,** бош бухгалтер ўринбосари **Адҳам Астанов,**

Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўлими бош мутахассиси **Ибодшо Наимов,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси филиаллар фаолияти координатори **Отабек Касимов,** бўлим бошлиғи **Зиёвудин Сабиров,** бош мутахассис **Галина Мелихова,** техник **Вадим Антонов,**

"Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти Смета ишлари бўлим бошлиғи **Барно Абдуллаева,**

"O'zog'irsanoatloyiha" АЖ муҳандиси **Нина Гомина,** етакчи мутахассис **Татьяна Табакова,** техник **Дилшод Маҳамадраҳманов,** бош лойиҳа муҳандислари бўлими ГИП **Кожарин Алексей,** катта архитектор **Маргарита Цай,** АСС-2 гуруҳ раҳбари **Рўзимурод Зуҳриддинов,** етакчи муҳандис **Асия Ҳалимова,**

"Ташгипрогор" АЖ бўлим бошлиғи **Инна Лабутина,**

"O'ZSHAHARSOZLIK LITI" DM Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқариш бошқармаси 1-устахонаси олий тоифали бош архитектори **Ремзи Адилов,** 1-устахона архитектори **Акрамжон Сидиқов,** Йўл ва ҳудудларнинг муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими муҳандиси **Фаррух Исмоилов,** Смета ва нархларни шакллантириш бўлими техниги **Азиза Галимова,** муҳандис **Баҳодир Обиджонов,** Хўжалик ва дастурий-техник таъминот бошқармаси фарроши Умида Муҳитдинова, ҳовли фарроши **Қаҳрамон Джалилов,** Қорақалпоғистон Республикаси филиали техниги **Отабек Сафарбоев,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Шарапатдин Бердимбетов,** Шуманой тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектор **Ажинияз Жанабаев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи **Нажиматдин Омаров,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish respublika markazi" DM Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳайдовчиси **Азатбай Жолекеев,** Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва нархларни шакллантириш консалтинг маркази кичик мутахассиси **Жанар Арзибаева,** марказ директори **Оразбай Шоназаров,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ичимлик суви, оқова сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўъбаси бош мутахассиси **Дилфуза Ядгарова,** хизматчи **Дилбар Тиллаева,** бош бошқарманинг хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлими етакчи мутахассиси **Фозил Шарипов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Илҳом Ражабов,** лаборант **Ханифа Сабитова,** Рўйхатдан ўтмаган қурилиш обектларини назорат қилиш бўлими бош мутахассиси **Беҳзод Муслимов,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" DM Бухоро вилояти филиали бош ҳисобчиси **Исроил Кенжаев,**

Жиззах вилояти, Зарбдор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Нурсултон Яхшиликов,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Лойиҳа ва пудратчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Шодиёр Мардиев,** ҳайдовчи **Маҳмуд Қурбонов,** Нурота тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассис-архитектори **Барот Асомов,** Навоий шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассис-архитектори **Жаҳонгир Савриддинов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси қоровули **Жўрабек Собиров,**

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Жамшид Сафаров,**

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" DM Сирдарё вилояти филиали бош ҳисобчиси **Умиджон Хўжамқулов,**

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ер муносабатларни тартибга солиш ва шаҳарсозлик хулосаларини тайёрлаш бўлим бошлиғи **Ойбек Хатамов,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Бош режаларга риоя этилиши устидан давлат архитектура назорати шўъбаси бош мутахассиси **Бегзод Ўктамов,**

Хоразм вилояти, Гурлан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Нурбек Пирметов,** Шовот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Баҳодир Ходжабоев,** Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва нархларни шакллантириш консалтинг маркази бўлим бошлиғи **Нигора Болтаева,**

Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги "Био тех сервис" БСК МЧЖ бош директори **Ядгар Сафаров,**

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги "Исмоилхон Хамкор Абдусамад БК" МЧЖ бош директори **Суннатулло Каримов,** "Зарнигор Имона" МЧЖ бош директори **Санобар Шерқулова,** "Тож Махал" МЧЖ бош директори **Фурқат Азизов,** Қарши туманидаги "Кросс-спорт" МЧЖ бош директори **Фазлиддин Жўраев,**

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги "Истиқлол коммунал хизмат таъмир" МЧЖ бош директори **Замира Зулпиқарова,** Сайхунобод тумани "Сайхунобод хизмат кўрсатиш сервис" МЧЖ бош директори **Иномжон Матазимов,**

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳридаги "Kommunal-Tex-Consult-Servis" МЧЖ бош директори **Фаррух Ғафуров,**

Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги "Музаффар Техно Коммунал" МЧЖ бош директори **Дилфуза Турсунова,**

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги "Мехриддин Барака" МЧЖ бош директори **Мавжуда Бойсунова,** Олмазор тумани "Istiqbol Umid Boshqaruv Kompaniyasi" МЧЖ БСК бош директори **Интизор Давлетова,** Учтепа тумани "Service Station" БСК МЧЖ бош директори **Хуршид Сатторов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-141.
1761 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 21.40.
Топширилди – 23.30. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2024 йил 6 февраль куни чиқади.